

Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён Марказий банк деб юритилади) ўз фаолиятининг мақсадларидан бири бўлган банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш¹, тизимли хатарларни баҳолаш ва уларни олдини олиш мақсадида тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлайди. Марказий банк томонидан тизимли аҳамиятга молик банклар “Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан белгиланади². Ушбу низомни шакллантиришда Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг “Маҳаллий тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашнинг ҳадли шартлари тўғрисида”ги йўриқномаси³, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган.

Банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк тизимли аҳамиятга молик банк ҳисобланади⁴. Тизимли аҳамиятга молик банкнинг таназзулга учраши тизимли хатарларни юзага келтириши мумкин. Ушбу тизимли хатарлар оқибатида банк тизимининг бутун ёки айрим қисмлари издан чиқиши ва натижада реал иқтисодиёт учун салбий оқибатларни олиб келиши мумкин.

I. Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш мезонлари

Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашда 4 та мезондан фойдаланилади:

- ❖ банкнинг ҳажми;
- ❖ банкнинг банк тизими иштирокчилари билан ўзаро боғлиқлиги;
- ❖ банкнинг қамрови;
- ❖ банк операциялари мураккаблиги.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ЎРҚ-582—сонли Қонуни.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 февралдаги 4/13—сонли қарори билан тасдиқланган.

³ BCBS. (2012, October). A framework for dealing with domestic systemically important banks.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580—сонли Қонуни.

Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашда ушбу мезонлар бўйича 9 та умумлаштирилган кўрсаткичлар ҳамда уларга тегишли вазнлардан фойдаланилади.

Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар ва уларнинг вазнлари

Мезон	Кўрсаткичлар	Вазн	Умумлаштирилган вазн
Ҳажм	Активлар ва балансдан ташқари мажбуриятлар	30%	30%
Ўзаро боғлиқлик	Бошқа банкларда жойлаштирилган активлар	8%	23%
	Бошқа банклар олдидаги мажбуриятлар	15%	
Қамров	Маҳаллий тўловлар ва ўтказмалар	4%	37%
	Иқтисодиёт тармоқлари кесимида кредит портфели	4%	
	Жисмоний шахсларнинг омонатлари	15%	
	Юридик шахсларнинг омонатлари	7%	
	Банкнинг хизмат кўрсатиш нуқталари	7%	
Мураккаблик	Трансчегаравий мажбуриятлар	10%	10%

II. Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш ҳисоб-китоби

Барча кўрсаткичлар қуйидаги формула орқали стандартлаштирилиб, [0; 1] шкалага ўтказилади:

$$K'_i = \frac{K_{ij} - \text{Min}(K_i)}{\text{Max}(K_i) - \text{Min}(K_i)}$$

бунда:

K'_i – i -сонли K -кўрсаткичнинг стандартлаштирилган қиймати;

K_{ij} – j -банкнинг K_i -кўрсаткичи ҳақиқий қиймати;

$\text{Min}(K_i)$ ва $\text{Max}(K_i)$ – жами банклар бўйича K_i -кўрсаткичнинг минимал ва максимал қийматлари.

Стандартлаштирилган кўрсаткичлар тегишли вазн омилларига кўпайтирилиб, сўнгра уларнинг йиғиндисини ҳисоблаш орқали кўрсаткичларнинг умумлаштирилган натижаси ҳисобланади.

Кўрсаткичларнинг умумлаштирилган натижаси қуйидаги формула орқали топилади:

$$X = \sum_{i=1}^9 V_i * K'_i$$

бунда:

X – кўрсаткичларнинг умумлаштирилган натижаси;

K'_i – i -сонли K -кўрсаткичнинг стандартлаштирилган қиймати;

V_i – i -сонли K -кўрсаткичнинг вазни.


III. Тизимли аҳамиятга молик банк деб белгилаш қоидалари

Ҳар бир чорак якунида банкларнинг тизимли аҳамиятга моликлиги бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Банкнинг умумлаштирилган натижаси барча банкларнинг ўртача умумлаштирилган натижаси ҳамда битта стандарт четланиш (ўртача квадратик тафовут – standard deviation) йиғиндисидан юқори бўлса, мазкур банк чорак якуни бўйича тизимли аҳамиятга молик деб топилади.

Марказий банк томонидан тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш йилда бир марта амалга оширилади ҳамда келгуси йил учун тизимли аҳамиятга молик деб белгиланади. Молиявий барқарорлик департаменти охириги кетма-кет тўрт чорак якуни бўйича ҳисоб-китоб натижаларини ҳисобот йилининг 1 ноябрига қадар Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси муҳокамасига киритади.

Банкнинг тизимли аҳамиятга молик деб топилиши учун охириги кетма-кет тўртта чоракнинг камида битта чорак натижаси бўйича тизимли аҳамиятга молик деб топилиши лозим.

Тизимли аҳамиятга молик банкларни белгилаш жараёни



Шунингдек, банкнинг тизимли аҳамиятга моликлигини белгилашда Банк назорати қўмитаси асослантирилган мулоҳазадан ҳам фойдаланиши мумкин. Асослантирилган мулоҳазаларга кўра тизимли аҳамиятга молик деб ҳисобланиши учун банк қуйидаги мезонларнинг камида биттасига мувофиқ бўлиши лозим:

- ❖ Ҳисобот йилининг 1 октябрь ҳолатига банкнинг умумлаштирилган натижаси барча банкларнинг ўртача умумлаштирилган натижаси ҳамда битта стандарт четланиш йиғиндисидан кичик бўлиб, лекин барча банкларнинг ўртача умумлаштирилган кўрсаткичидан юқори эканлиги;
- ❖ Ҳисобот йилининг 1 октябрь ҳолатига банкнинг камида битта кўрсаткичи мазкур кўрсаткичнинг барча банклар бўйича ўртача қиймати ва битта стандарт четланиш йиғиндисидан юқори эканлиги.

Банк назорати қўмитаси ҳисоб-китоблар ҳамда асослантирилган мулоҳаза асосида келгуси йил учун тизимли аҳамиятга молик банкларни белгилайди. Тизимли аҳамиятга молик банклар рўйхати Марказий банкнинг расмий веб-саҳифасида эълон қилиб борилади.